



Ушбу бобда Куръон одамлари – Куръони Каримни кабул килиб олиб, ёдлаб, ўрганиб бошкаларга ўргатишга хизмат килган. Шунингдек, Куръони Каримни ёзиб, ёзилганларини тўплаб ва бошка хизматларни килган одамлар хакида сўз кетади.

Бу бобда сўз юритиладиган иккинчи мавзуъ Куръони Каримнинг ривоятларидир. Яъни бу мукаддас китобни Аллох таолодан келганидан кейин кабул килиб олиниси ва мусулмонлар томонидан ривоят килиниси кандок бўлганлиги хакидаги маълумотлар. Куръони Каримни Аллох таолодан бизларгача кандок етиб келгани хакида маълумот олмогимиз жуда мухимдир.

Аллох таоло Ўзининг сўнгги каломини Ўзининг сўнгги Пайгамбарига Ўзининг вахий фариштаси Жаброил (алайхиссалом) оркали нозил килди.

Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) эса бу дастури илохийни ўз сахобаларига – мусулмонларнинг энг афзал авлодига фаришталарнинг афзали Жаброил (алайхиссалом)дан кандок кабул килиб олган бўлсалар, шундок килиб етказдилар.

Ўз навбатида сахабаи киромлар ўзларидан кейинга авлодга, улар ўзларидан кейингиларга Куръони Каримнинг хар бир харфини ўта аниклик билан етказдилар.

Шундок килиб, Куръон Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)дан бизларгача сон-саноксиз кишилардан омонатли ва аник накл оркали етиб келгандир, яъни кўплаб ишончли кишилар ёдлаб бир-бирларига ишонч билан ўргатиб ўтишгандир.

Муносабатдан фойдаланиб, вахийнинг ўзи нима ва у Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)га кандай келганлиги билан танишиб чикайлик.

Вахийнинг лугавий маъноси Аллох таолонинг ўз пайгамбарларига зудлик билан юборган диний кўрсатмаларидир.

Вахий фаришталар оркали ёки бевосита Аллох таоло билан роз айтиш (гаплашиш) оркали хам келиши мумкин. Пайгамбаримиз Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)га эса вахий куйидагича холларда тушган:

Оиша онамиз (розияллоху анҳо) айтадиларки:

1. «Пайгамбар (саллоллоху алайхи васаллам)га вахийнинг биринчи келиши ўнгидан келган туш бўлган. Кўрган хар бир тушлари уйгоклик вақтларида хам худди тонг ёругидек келар эди.
2. Фаришта ўзи кўринмай туриб, Пайгамбар калбларига керакли хабарни етказар эди.
3. Кўнгирок чалингандек овоз чикариб келар эди.
4. Жаброил фаришта Пайгамбаримизга одам шаклида бўлиб кўринар эдилар».

Шу тўғрисида «Сахих Бухорий» китобида куйидаги хадиси шариф келтирилган:

«Хорис ибн Хишом Пайгамбаримиздан:

«Ё Расулulloх, сизга вахий кандай келади?» деб сўради.

Шунда Ул жаноб:

«Ахёнда худди кўнгирокдек жаранглаб келади, шуниси менга кийин. У кетгандан кейин хамма нарсени мен ўзимда сингдириб олган бўламан. Гохида эса фаришта менга одам шаклида келиб сўзлаб кетади ва унинг айтганларини англаб оламан», дедилар».

5. Фаришта ўзининг асл шаклида кўринади ва вахийни етказди.

6. Аллох таоло Пайгамбар (алайхиссалом)га меърож кечасида намозни фарз килиш ва шунга ўхшаш баъзи нарсаларни бевосита вахий килган.

Вахийни Аллох таолодан Жаброил фаришта (алайхиссалом) Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)га етказиб турган. Аллох таоло Куръони Каримда ҳам вахийнинг келтирувчи Жаброил фаришта (алайхиссалом)ни, ҳам вахийни қабул килиб олувчи Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)ни васф килган.

«Албатта, у(Куръон) карамли элчининг сўзидир».

Ушбу ояти каримада биз «карамли элчи», таржима килган таркиб «Расулин карим», деб келган ва Жаброил фаришта (алайхиссалом)ни англатади. Жаброил (алайхиссалом) Пайгамбаримизга вахий оркали Куръони Каримни етказиб туриш вазифаси юклатилган зотдир.

Аллох таоло Куръонни Ўзидан Пайгамбари Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)га етказувчи воситачи жуда ҳам улуг зот эканини таъкидламоқда.

Куръонни элтувчи карамли Расул фаришталарнинг улуги Жаброил (алайхиссалом) экан.

Бинобарин, Куръон хакида ҳеч кандай шак-шубҳа килишга ўрин йўқ экан. Унга зудлик билан иймон келтириб, амал килишга ўтиш керак экан.

Келаси оятда Куръонни Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам)га етказиб турувчи Жаброил (алайхиссалом)ни васф килиш давом этади.

«У кувватли, арш эгаси хузурида мартабаси олийдир.

Итоат килинган, омонатлидир».

Яъни Жаброил фариштага барча ўзига хос фаришталар итоат килади. Улар унга итоат килишдан заррача ҳам бўйин товламайдилар. У бўлса вахийни омонат билан етказди, хиёнат килмайди.

Демак, Жаброил (алайхиссалом)да Куръонни турли нуксонлардан саклаш учун керак бўлган барча сифатлар мавжуд. Унинг ўзига итоат киладиган хизматчи-ёрдамчилари ҳам бор. Ўша ёрдамчилар унинг итоатидан ҳеч чикмайдилар. Улар Куръонга тегишли хизматларни олиймаком этиб адо этадилар. Энг мухими Жаброил (алайхиссалом) ўзи омонатли, ишончли. У зот «амийнул вахий» номини олганлар.

Аллох таоло Жаброил (алайхиссалом) Ўз вахийсига амийн – ишончли шахс килиб олган. Жаброил (алайхиссалом) – Аллохнинг барча пайгамбарларига вахийни омонат билан етказиб келаётган фаришта. Ундан ҳеч бир хиёнат содир бўлмаган ва бўлиши мумкин ҳам эмас.

Шу эътибордан ҳеч кимнинг Куръон хакида зарарга шубҳа килишга ҳақки йўқ!

Аллох таоло ўтган оятларда Куръони Каримни олиб келувчи фаришта Жаброил (алайхиссалом)нинг сифатларини айтди. Энди Куръони Каримни қабул килиб олувчи Зот Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)нинг васфларини килади. Бу билан Куръони Каримнинг хамма тарафдан бекаму кўст эканини исботлайди.

«Сизнинг сохибингиз мажнун эмасдир».

Дин душманлари доимо ёлгон, бўхтон таркатиб динга ва унинг ахлига зарар етказмоқчи

бўлишади. Макка кофирлари ҳам Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)ни «мажнун», «жин урган», «айтаётган гапларини катта бир жин келиб ўргатиб кетади, бунинг гапига ишонмаслик керак», деган игволарни таркатишган.

Бу оятлар ўша тухмат-бўхтонларга раддиядир. Эй маккаликлар, Мухаммад «сохиб»ларининг, яъни сухбатингизда, сиз билан дўст бўлиб юрган одам – буни сизлар яхши биласизлар – жинни эмас. Унга вахий келтираётган ҳам жин эмас, балки улкан фаришта, ишончли зот. Куръон эса илохий дастур.

«Батахкик ул ани очик-ойдин уфкда кўрди».

Яъни: Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) Жаброилни очик-ойдин уфкда ўз кўзи билан асл яратилишида кўрдилар. Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)нинг хазрати Жаброилни бу кўришлари Хиро горигаги биринчи мулокатдан кейин, тогдан кайтаётган пайтларида, водийда содир бўлган.

Ўшанда у Зот (соллаллоху алайхи васаллам) Жаброил (алайхиссалом)ни Аллох кандок халк килган бўлса, шундок холда кўрганлар. Жаброил (алайхиссалом) у Зот (соллаллоху алайхи васаллам)га машрик томонда баланд уфкда очик-ойдин кўринганлар, «ал-Бахрул Мухийт» тафсирида айтилишича, Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам) Жаброил (алайхиссалом)ни асл суратида олти юзта каноти ила, машрик ила магрибни тўсиб курсида ўтирган холларини кўрганлар.

Демак, Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) юкоридаги оятларда васф килинган фаришта Жаброил (алайхиссалом)дан Куръонни кабул килиб олаётганлари аник. У Зот Жаброилни асл холида кўрганлари, кимдан вахийни кабул килиб олаётганлари ҳам собит.

Шунинг учун Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) «Куръон» деб такдим килаётган нарсада ҳеч иккиланмаслик керак, уни Каломуллох эканлигида ҳеч шак ва шубҳа йўқ. «Ва у гайбга бахил эмасдир».

Яъни Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) бахиллик килиб ўзига келаётган вахийдан баъзисини беркитиб колаётгани йўқ. Бу оятда гайбдан мурод «вахий»дир. У Зот (соллаллоху алайхи васаллам) ўзларига Аллох таоло томонидан Жаброил фаришта келтираётган Куръон оятларини бахиллик килиб беркитиб колмайдилар. Балки уларга ҳеч бир нуксон етказмай омонат билан, кандай кабул килиб олсалар, шундай холда кишиларга етказадилар. Хозиргача Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) ўзлари яшаётган жамиятда «Амийн» – ишончли деган унвон олиб яшаб келаётган эдилар. Одамларга бирор огиз ҳам ёлгон гапирмаганлари, зарра ҳам хиёнат килмаганлари учун шу унвонни олган эдилар.

Умр бўйи шундок холда ўтган зот кирк ёшдан ўтгандан кейин одамларга гапирмаган ёлгонни Аллох таолога гапирармиди?!

Одамларга килмаган хиёнатни Роббил оламинга килармиди?!

«Ва у (Куръон) тошбўрон килинган шайтоннинг сўзи эмасдир».

Яъни Куръони Карим мушрик ва кофирлар гумон килаётганларидек, Аллохнинг даргохидан қувилган шайтоннинг сўзи эмас. Уни Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)га жинлар келтираётгани йўқ. Балки Куръон – Роббил оламин бўлган Аллох таолонинг сўзи, «Мутъин самма амийн» – «итоат килинган ва амин бўлган» Жаброил фариштанинг сўзи, Мухаммад ал-Амийн бўлган сўнги ва энг афзал Пайгамбарнинг сўзи. Аллох таоло Ўзининг охирги, киёматгача бокий қолишини кўзлаган китобини Ўзининг охирги ва энг афзал Пайгамбаридан кабул килиб олиб келажак авлодларга етказиш учун энг муносиб халкни танлади.

Энг муносиб халк, деганимизда ўша, Куръони Карим нозил бўлиши даврида Арабистон ярим оролида яшаб турган арабларни кўзда тутмоқдамиз. Дунёдаги барча халқлар катори ўша вақтдаги арабларнинг ҳам яхши ва яхши бўлмаган томонлари бор эди. Аллох Таолонинг хикмати ила Ул Зот Куръони Каримни биринчи бўлиб қабул қилиб олишга танлаган халқ – арабларнинг яхши сифатлари ҳам, яхши бўлмаган сифатлари ҳам Куръони Карим учун хизмат қиладиган бўлди.

Араблар ўша даврнинг энг жохил, энг илмсиз, энг урушқок, энг тартибсиз халқи эди. Улар Куръони Карим нозил бўлганидан сўнг қиска муддат ўтиши билан энг маданиятли, энг билимдон, энг одобли ва энг тартибли халққа айландилар.

Бу эса Куръони Каримнинг мўъжизаларидан бири эди. Агар Аллох Таоло Ўзининг охирги китобини ўша даврнинг энг билимдон, энг маданиятли ва қадимдан етакчилик қилиб келаётган халқига нозил қилганда, мазкур мўъжиза юзага чиқмас эди. Кишилар: «Бу халқ азалдан илмли, маданиятли, интизомли ва одобли бўлиб келган, энди бизга илохий калом тушди, деб даъво қилишмоқда, халос», дер эдилар.

Арабларнинг Куръони Каримнинг қабул қилиб олишлари учун хизмат қилган яхши сифатларидан бири, уларнинг ёдлаш қобилиятларининг қучлилиги эди. Улар ўқиш-ёзишни билмаганларидан ҳамма нарсани: тарихни, насабларини, турли қасидаларни ва бошқа нарсаларни ёдлаб олиб, авлоддан авлодга ўтказиб келишар эди. Ана ўша ҳислат, Куръони Каримни ҳам ўта аниқлик билан, Аллох таолодан қандок нозил бўлса шундок ҳолида ёдлаб олиб авлоддан авлодга ўтказишга хизмат қилди.

Албатта, Аллох таоло Ўз Куръонини арабларга бевосита туширавергани йўқ. Балки уларнинг ичидан, нафақат арабларнинг ичидан, балки бутун инсоният ичидан энг афзалини, Мухаммад Ибн Абдуллох (соллаллоху алайхи васаллам)ни танлаб олиб ўша Зотга нозил қилди. У Зот (соллаллоху алайхи васаллам) эса ўз умматларига омонат ила Аллохнинг каломини етказдилар. Чунки Аллох таолонинг бу борадаги одати шу эди. Ана ўша урф бўлиб қолган одатга биноан, Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам)га илохий каломни вахийнинг амини бўлмиш фаришта, Жаброил (алайхиссалом) келтириб турдилар.

Олам тарихидаги энг муҳим ҳодиса саналмиш бу жараён – Куръони Каримнинг нозил бўлиши жараёнининг бошланиш нуқтаси, Хиро горида, Рамазон ойининг ўн еттинчи кунда содир бўлди. Тарихдаги энг улуг кун бўлмиш бу кунда тарихдаги энг улуг иш, Аллох таолонинг охирги ва муқаммал китоби нозил бўла бошлади.

Аллох таолонинг Ўзи Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам)га Куръони Каримнинг ўзида Жаброил (алайхиссалом)нинг кироатиға диққат билан қулоқ осишни амр этган. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, Аллох таоло Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)га Куръони Каримни Жаброил (алайхиссалом)дан қандок қилиб қабул қилиб олишни Ўзи ўргатиб берган.

Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам) Куръони Карим оятларининг илк бор тушиш даврида Жаброил фаришта (алайхиссалом)дан шошилиб қабул қилиб олардилар. Унутиб қўйишдан қўриқиб фариштага қўшилиб лабларини қимирлатиб ўқиб турардилар. Чунки бу у киши учун қутилмаган таълим эди. Хар бир харфни қайтариб, ўрнидан чиқариб талаффуз этиш лозим эди. Шунинг учун ҳам юқоридаги ҳолатга тушардилар. Ислому душманлари айтгандек, Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) Куръонни ўзлари таълиф қилган бўлсалар, ҳеч қачон мазкур ҳолатга тушмасдилар.

Шундай қилиб, Аллох таоло Ўз Пайгамбарига Куръон оятларини қандай ҳолда қабул қилиб олишни ўргатади:

Эй Пайгамбар!

«Сен шошилиб у билан тилингни кимирлатма».

Яъни Биз Куръонни сенга етказаетганимизда, унитиб кўймайин деб кўшилиб ўкиб турма.

«Албатта, у(Куръон)ни жамлаш ва ўкиб бериш Бизнинг зиммамизда».

Шунинг учун сенинг ташвишланишинг ортикча.

«Бас, Биз уни ўкисак, кироатига зехн солиб тур.

Сўнгра у(Куръон)ни баён қилиб бериш ҳам Бизнинг зиммамизда».

Яъни сўнгра сенга тушуниши ишқал бўлган жойини, ҳукмларини, маъноларини баён қилиб бериш Бизнинг зиммамизда.

Хазрати Абдуллох ибн Аббос (розияллоху анхумо) ушбу оятлар маъносида қуйидагиларни айтганлар:

«Расулulloх (саллоллоху алайхи васаллам) тушаётган оятларда огирлик сезар эдилар.

Бирор нарсани ўтказиб юбормасдан ёдлаб олиш максатида у билан тиллари ва икки лабларини кимирлатиб турар эдилар.

Шунда Аллох ушбу оятларни нозил қилди. Ана шундан кейин Расулulloх (саллоллоху алайхи васаллам) қачон ҳузурларига Жаброил (алайхиссалом) келсалар, бошларини қуйи солиб, жим тинглайдиган бўлдилар. Бас, қачон Жаброил кетсалар, Аллох қандок ваъда қилган бўлса ўшандок ўқир эдилар».

Аллома Исмоил ибн Касир худди шу оятлар тафсирида қуйидагиларни ёзадилар:

«Пайгамбар (саллоллоху алайхи васаллам) Куръонни қабул қилиб олишга шошилар эдилар. Фариштанинг кироатидан олдинга ўтиб кетиб қолардилар. Шунда Аллох азза ва жалла У Зотни тинчланишга амр этди. Уни қалбларида жамлаб беришнинг, баён қилиб беришнинг, очиклаб беришнинг қафолатини олди. Биринчи ҳолат – уни қалбларида жамлаш. Иккинчи ҳолат – тиловати. Учинчи ҳолат – тафсири ва маъносини изох қилиш».

Куръони Каримни Аллох таолодан вахийнинг амийни – ишончли соҳиби бўлмиш,

Жаброил (алайхиссалом) Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)га нақл қилганлар.

Ушбу нақл қандок кечишини, яъни Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)га Куръони Карим оятлари Жаброил (алайхиссалом) томонларидан қандок етказилишини қўпчилик саҳобалар ўз кўзлари ила қўриб, қулоқлари ила эшитиб турганлар.

Бунинг устига ҳар сафар вахий нозил бўлгандан сўнг Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам): «Менга мирзаларни чақиринлар», деганлар ва вахийни ёзувчи саҳобалар қелганларидан сўнг Жаброил (алайхиссалом)дан ояти қарималарни қандок қабул қилиб олган бўлсалар, шундоқ қилиб ўқиб берганлар.

Мирзалар қилувчи саҳобалар оятларнинг ҳар бир ҳарфини улқан эҳтимом ила ёзганлар, бошқа саҳобалар эса ана шундоқ эҳтимом ила ёд олганлар.

Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)дан Куръони Каримни қабул қилиб олувчи саҳобаи қиромлар жуда қўп бўлган. Ўша вақтда қанча одам мусулмон бўлган бўлса, ҳаммаси қабул қилиб олган. Бундан бошқа бўлиши мумкин ҳам эмас, чунки ўша пайтда ҳамма Куръони Карим оятлари нозил бўлишини қутиб яшар эди.

Бир хабар ёки гапни қўпчилик одам нақл қилса, араб тилида «тавотир ила нақл қилинган» дейилади.

«Тавотир ила нақл қилинган», деган иборадан, тавотир ила нақл қилинмаган қалом Куръони Карим бўла олмаслиги қелиб чиқади.

Тавотир ила нақл қилинган, дегани эса қаломни ёлгонга чиқариб бўлмайдиган даражада қўп сондаги қишилар томонидан нақл қилинишига айтилади. Уларнинг

хаммалари ишончли одамлар бўлиб, бирор огиз ёлгонга якинлашмаган, кўпликлари жихатидан ёлгонга келишиб олиш имконлари ҳам йўқ бўлади.

Куръони Каримнинг биринчи калимасидан бошлаб, охирги калимасигача айнан худди ана шу тарикада накл килингандир.

Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) Куръони Каримнинг хар бир оятини, хар бир калимаси ва харфини мисли кўрилмаган эътибор ила кабул килиб олиниси, ёдланиши ва ёзилиши ҳамда амал килинишига Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) васфига сўз ожиз қоладиган даражада катта ахамият берганлар.

Ўз навбатида Пайгамбар (алайхиссалом)дан Куръони Карим оятларини кабул килиб олган сахобаи киромлар ўз шогирдларига юкорида зикр килинган муомалани килганлар. Шу тарзда хозиргача Куръони Карим сонсиз-саноксиз одамлар томонидан ишончли тарикада накл килиниб келинмоқда.

Бу наклда асосий эътимод ёд олишгадир. Хар бир кори ўз шогирдига хар бир харф, хар бир калима, хар бир оят ва хар бир сурани ўз устозидан кандок кабул килиб олган бўлса, худди ана шундок килиб етказиб келди.

Бу жараён хозир ҳам мувофаккият билан давом этмоқда. Шунинг учун ҳам хар бир Куръон ўқувчи мусулмонинг кироат бўйича силсиласи Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам)га етиб боради. Ана шу силсилага суянилмаса, яъни авлоддан авлодга ўтиб келган расмий кироат изни бўлмаса, Куръон ўқувчи кори хисобланмайди. Дунёда ҳеч бир китоб бунчалик иноятга сазовор бўлган эмас.

Куйида биз ўрганадиган хадиси шарифларда Куръони Каримни Пайгамбар (алайхиссалом)дан кабул килиб олган саодатли авлоднинг баъзи вакиллари хакидаги маълумотлардан хабардор бўламиз. Шу билан бирга, бу ўта мухим жараённи имконимиз борича англаб етишга харакат киламиз.

Катода розияллоху анхудан ривоят килинади:

«Анас ибн Моликдан:

«Набий (соллаллоху алайхи васаллам)нинг даврларида Куръонни ким жам килган?» деб сўрадим.

«Тўрт киши, хаммалари ансорлардан; Убай ибн Каъб, Муоз ибн Жабал, Зайд ибн Собит ва Абу Зайд», деди».

Икки шайх ва Термизий ривоят килган.

Шарх: Куръони Каримга нисбатан айтилган «жам килиш» ибораси Каломуллохни тўлик ёд олиш ва ёзиш маъноларини ангатади.

Катода (розияллоху анху)дан килинаётган ривоятдаги Анас ибн Молик (розияллоху анху)нинг гаплари зохиридан Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг даврларида Куръони Каримни факат тўрт киши жам килгани, уларнинг хаммалари ансорлардан; Убай ибн Каъб, Муоз ибн Жабал, Зайд ибн Собит ва Абу Зайд (розияллоху анхум)лар бўлгани тушунилади.

Анас (розияллоху анху)дан ривоят килинади:

«Набий (соллаллоху алайхи васаллам) вафот килганларида Куръонни тўрт кишидан бошкаси жам килмаган эди: Абу Дардо, Муоз ибн Жабал, Зайд ибн Собит ва Абу Зайд..

Биз уни меросга олганмиз».

Бухорий ривоят килган.

Шарх: Сиртдан караганда бу ривоят ҳам олдингисини таъкидлаб келаётганга ўхшайди.

Аммо диккат билан назар солсак, Анас ибн Молик (розияллоху анху) икки ривоятда ҳам

Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)дан Куръони Каримни тўрт киши жам килганини айтган бўлсалар ҳам уларнинг номларига келганда беш киши, Убай ибн Каъб, Муоз ибн Жабал, Зайд ибн Собит, Абу Дардо ва Абу Зайд( розияллоху анхум)лар бўлиб чиқади.

Ана шу хакикатдан Анас ибн Молик (розияллоху анху) ўз гапларида ададни эмас бошка маъноларни кўзлаганлари келиб чиқади.

Ўша маънолардан бири мазкур кишилар Анас ибн Молик (розияллоху анху)нинг назарларида Набий (соллаллоху алайхи васаллам)дан Куръони Каримни энг яхши кабул килиб олган одамлар эканлиги бўлади. Хар бир халқда бирор нарсани ўта таъкидлаш маъносида шунга ўхшаш иборалар ишлатилиши оддий хакикатдир. Бизда ҳам бирор олимдан кўпроқ нарсани ўрганган кишининг таърифиди, Фалончи устознинг илмини фистончи олиб колган-да, дейилади. Бу ўша фистончидан бошка одам мазкур устозда ўкимаган дегани эмас.

Анас ибн Молик (розияллоху анху)нинг мазкур гаплари алохида бир маком учун айтилган бўлиши мумкин.

Бу гапни имом Тобаронийнинг ривоятлари тасдиқлайди:

«Икки кабила; Авс ва Хазраж фахр талашиб колдилар.

Бас, Авс кабиласи аъзолари:

«Биздан тўрт киши бор: Рохманнинг арши унинг учун ларзага келган шахс – Саъд ибн Муоз. Гувохлиги икки кишининг гувохлигига тенглаштирилган шахс – Хузайма ибн Собит. Малоикалар ювган шахс – Ханзала ибн Абу Омир ва дабр химоясини килган шахс – Осим ибн Собит», дедилар.

Шунда Хазраж кабиласи:

«Биздан Куръонни жам килган тўрт киши бор», дедилар ва мазкур тўрт кишининг номларини айтдилар.

Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)дан Куръони Каримни тўлик ёдлаб олган кишиларнинг сон-саноксиз эканликлари дўсту душманга ойдин бўлган улкан хакикатдир. Куръони Каримни Набий (соллаллоху алайхи васаллам)нинг хаётлик вақтларида тўлик ёд билганлар тўрт халифа, катта сахобалар, баъзи оналаримиз ва шунга ўхшаш бошка шахсларнинг санаб ўтиришнинг хожати йўк.

Тасаввур килиш учун айтадиган бўлсак, Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) даъват учун юборганларида хиёнат туфайли Биъри Маъуна номли жойда катл этилган мураттаб кориларнинг сони етмишта эди.

Набий (соллаллоху алайхи васаллам)нинг вафотларидан кўп ўтмай содир бўлган Ямома жангида шахид бўлган сахобаларнинг ичида ҳам етмишта мураттаб кори сахобалар бор эди.

Куйида келадиган икки ривоятда Куръони Каримни Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)дан кабул килиб олиш кай тарзда бўлганининг бир кўриниши васф килинади.

Абдуллох (розияллоху анху)дан ривоят килинади:

«Ундан ўзга илох йўк Зот ила касамки, Аллохнинг китобида мен унинг қачон ва каерда нозил бўлганини билмайдиган сура йўк. Хар бир оятнинг нима хакида нозил бўлганини мен биламан. Агар Аллохнинг Китобини менадан яхшироқ биладиган одамни билсам-у, у туя етадиган ердан бўлса, албатта, мен унинг олдига бораман».

Шарх: Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анху ўзларига тўла ишонч билан айтган бу маънони ҳеч ким айта олмаган. Шунинг ўзи у кишининг Куръони Каримни канчалар пухта

билишларига очик далилдир.

Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху) Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) билан доимо бирга юрганликлари у зотнинг хар бир оятнинг қачон нозил бўлганини ва нима хақида нозил бўлганини яхши билишларига сабаб бўлган омиллардан биридир. Энди Куръони Каримни Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)дан қабул қилиб олган кўплаб кишиларнинг вақили бўлмиш Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху)нинг гапларига эътибор берайлик.

«Ундан ўзга илох йўқ Зот ила қасамки»

Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху) ўз гапларининг аввалида Аллох таолонинг сифати ила қасам ичмоқдалар. Бу келадиган гапда заррача шак-шубҳа йўқлигини билдиради.

«Аллохнинг қитобида мен унинг қачон ва қаерда нозил бўлганини билмайдиган сура йўқ».

Куръони Каримни Набий (соллаллоху алайхи васаллам)дан қабул қилиб олган зотлар фақат унинг сўзларини ёдлашгагина аҳамият бермаган эканлар. Улар хар бир суранинг нозил бўлган вақтини ҳам, ерини ҳам очик-ойдин ва аниқ билар экан. Бу эса улар томонидан Куръони Каримнинг хар бир сурасига нисбатан бўлган беназир эҳтимомнинг аломатидир.

«Хар бир оятнинг нима хақида нозил бўлганини мен биламан».

Куръони Каримни Набий (соллаллоху алайхи васаллам)дан қабул қилиб олган зотлар хар бир суранинг нозил бўлган вақтини ҳам, ерини ҳам очик-ойдин ва аниқ билиш билан қифояланиб қолмасдан хар бир оятнинг нима хақида нозил бўлганини ҳам яхши билар эканлар. Бу эса улар томонидан Куръони Каримнинг хар бир оятига нисбатан бўлган беназир эҳтимомнинг аломатидир.

«Агар Аллохнинг Қитобини мендан яхшироқ биладиган одамни билсам-у, у туя етадиган ердан бўлса, албатта, мен унинг олдига бораман».

Куръони Каримни Набий (соллаллоху алайхи васаллам)дан қабул қилиб олган зотлар ўзлари билган нарса билан қифояланиб қолмаган эканлар. Улар Куръони Каримдан ўзлари билмаган нарсанинг хабарини эшитишлари билан ўша нарсани ўрганиш учун ҳамма имкониятларини ишга солиб ҳаракат қилган эканлар.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Аллохга қасамки, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг оғизларидан етмишдан ортиқ сурани олдим.

Аллохга қасамки, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг саҳобалари мен уларнинг ичида Аллохнинг қитобини энг яхши билувчи эканимни биладилар. Холбуки, мен уларнинг яхшиси эмасман».

Шакки айтади:

«Бас, бирортанинг унинг бу гапига ҳилоф қилганини эшитмадик», деди».

Иккисини Бухорий ривоят қилган.

Шарх: Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху)нинг «Холбуки, мен уларнинг яхшиси эмасман» деганлари қатта маънони қасб этади. Шунчалар мактовга сазовор зот уларнинг яхшиси бўлмаса, яхшилари қандок бўлади?!

Ана шундок улкан васфга соҳиб бўлган ажойиб бир авлод Куръони Каримни Набий (соллаллоху алайхи васаллам)дан бир харфини ҳам ўзгартмай қабул қилиб олиб, омонатга хиёнат қилмай, Куръони Каримнинг бир харфини ҳам ўзгартирмай ўзларидан кейинги мусулмонлар авлодига етказиб бердилар.



